



“22” декабр 2020 й. № 01-06/4083

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгаларига, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликларига**

Нусхаси: **Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан ташқи реклама объектларини (конструкцияларни) жойлаштириш бўйича тартиблар тасдиқланган.

Жумладан, Ташқи реклама объектлари (конструкциялари) ҳавфсизлигининг умумий техник регламенти тўғрисидаги Низомнинг 30 бандида – ташқи реклама объекти (конструкцияси) эгаси зарурат туғилганда, унга тегишли бўлган қурилмани қуйидаги муддатларда ювиши ва тозалашни белгиланган, хусусан:

тўхташ мажмуаларида ва пиёдалар йўли тўсиқларидаги реклама модулларини — ҳафтада икки марта;

кичик форматдаги ташқи реклама объектлари (конструкциялари) (шаҳар ёруғлик билан таъминлаш устунларидаги кронштейн, кўприкларлардаги конструкциялар, йўл кўрсаткичлари, реклама модулли ўриндиқлар, сити-формат, тумбалар) — бир ойда икки марта;

ўрта форматдаги ташқи реклама объектлари (конструкциялари) — икки ойда бир марта;

йирик, ўта йирик ва ностандарт форматдаги ташқи реклама объектлари (конструкциялари) — бир йилда икки марта (апрель-март ва август-сентябрь ойларида).

Шунингдек, ташқи реклама объекти (конструкцияси) эгаси конструкция ташқи кўринишини мувофиқ ҳолатда сақланишини таъминлаши ҳамда тегишли кўринишга келтириш зарурати туғилганда, унинг эгаси конструкцияни ювиши ва бўяши лозим (32-банд).

Шу муносабат билан Сиздан, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жорий ҳолатини доимий назорат қилиб боришингиз ва юзага келган номувофиқликларни тезкор бартараф этиш чораларини кўришингизни сўраймиз.

Директор



Э.Хаитметов